

Обуна индекси – 1323

Иқоме тафаккури • Иқтисодий фикри • Islamic Thought • الفكر الإسلامي

Islom tafakkuri

ISSN 2181-9572



2021-yil
3-son

Ўзбекистон халқаро
ислом академияси

Ўзбекистон халқаро
ислом академияси

МУНДАРИЖА

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

**З.Исломов, Имом Булорийнинг
“ал-Жомеъ ас-сахих” асарини ва
унинг подир қўлёмлари**..... 3

**С.Сидов, Ибн Мукаффа “ал-Адаб ал-
кабир” асарининг манбашунослик
тадкиқи** 8

ДИНШУНОСЛИК

**Н.Гафурова, Туркистон генерал-
губернаторлигидаги православ
ташкилотлари**..... 12

**Э.Алимкулов, Уч хил унсурдан иборат
“бутунлик” рами**..... 18

ИСЛОМШУНОСЛИК

**М.Гуламова, Қумушхонавийнинг
патиллик ва унинг даражалари
ҳақидаги ҳолатлари** 24

**Н.Даминов, Қадом илми: тараққиёт
босқичлари** 29

**З.Исақова, Ирфоний билишнинг
ўнга ҳос хусусиятлари**..... 36

**Д.Қодиров, Ғаълий ва Исмонлийлар:
ақл-идрок ва оламни рационал билиш** ... 41

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

**Д.Раҳимжонов, Насаф уламоларининг
ислом илмлари ривождаги ўрни**..... 47

**Л.Асророва, XIV асрга доир вақф
ҳужжати таҳлили** 52



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Мақомада қузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон калқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Музаффар КОМИЛОВ

Нашир учун масъул:

Иродатон ГАФУРОВА

Тахрир қайъати:

Эшқиджон ИСЛОМОВ
Зохридulloх МУНАВВАРОВ
Ақдджон ҲАСАНОВ

Жаннатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Дилшод ЭШМАЕВ
Незъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбон РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разила МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Чоп этиши учун масъул:

Ислом АШУРМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Ғулоҳнома рақами - 0968.
Йилда ўн некита сонга нашир этилади.
Нашир кўрсаткичи - 1323.
ISSN 2181-9572

Тахририят манзили:

Тошкент ш. А.Ҳодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iia.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақомада қузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 08.09.2021 йилдаги
03-07/5362-сонли қўлоҳаси асосида тайёрланди.

Қўлёмалар қайтаришмайди.

Мақоалалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналадан
олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилган сабабли
уни ноҳикз жойларга ташламан.

Босилга 27.09.2021 йилда рухсат берилди.

Қўлоҳ бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,8 б.т. Буклетма:
Адади 100 дан.

Ўзбекистон калқаро ислом академияси нашрийт-мағбаз

Бирлашмади боснаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш. А.Ҳодирий кўчаси, 11-уй.

З.Зинатуллаев. Араб халифати ва бошқарув тизимининг шаклланиши 56

З.Халилова. Туркистонда таълим лойиҳасини амалга оширишда маърифатпарварлар фаолити 62

Ф.Файзуллаев. Хожа Муҳаммад Порсонинг тафсири илмидаги фаолити ... 67

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Ш.Жўраев. Муҳаммад ибн Хасан Шайбоний асарларида “хулул” тушунчасининг ёритилиши ва ўзига хос таълими 71

ЎЧМАС СИЙМОЛАР

Ю.Аҳмедов. Амир Темурнинг миллий ва диний бағрикенгликка оид қарашлари..... 77

М.Атаев. Уструшаналлик қози ва унинг илмий мероси..... 83

К.Жамаҳматов. Hoji Muhammad Shahdiy ijodida tariqat ahli tavsifi 89

Н.Абдурахманова. Абул Баракот Насафий асарлари таҳлили 93

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Ж.Раматов. Миллий таълим тизими ва янги Ўзбекистон 96

G.Fuzailova. Pedagogical views thinkers of the east about education..... 99

М.Агамуратов. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичда бошқарув кадрларининг ўзини ўзи ривожлантириш тизимини жорий этиш 105

J.Ibragimov. Affiliatsiya fenomenining diniy-psixologik tahlili 112

Д.Сиддикова. Таълимда лойиҳа технологияси: самара ва муаммолар 117

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Қ.Раҳманов, А.Холов, М.Эржанов. Маҳалла ахборот тизимининг функционал имкониятлари 120

Давронбек ҚОДИРОВ
Бухоро давлат университети
таълим докторанти (PhD)
dagotys@mail.ru

**ГАЗЗОЛИЙ ВА ИСМОИЛИЙЛАР:
АҚЛ-ИДРОК ВА ОЛАМНИ
РАЦИОНАЛ БИЛИШИ**

**ГАЗЗАЛИ И ИСМАИЛИТЫ:
РАЗУМ И РАЦИОНАЛЬНОЕ
ПОЗНАНИЕ МИРА**

**GHAZZALI AND ISMAILITIS:
MIND AND RATIONAL
KNOWLEDGE OF THE WORLD**

Аннотация: Мақолада Абу Ҳамид Газзолийнинг фалсафий қарашлари ва исмоилий-ботинийлар таълимотидаги оламни рационал билиши ҳамда ақл-идрок тўғрисидаги қарашлари фалсафий таҳлил қилинган. Хусусан, ГАРБ тадқиқотчиларининг фикрлари, исмоилий файласуф олимларнинг олам ҳақидаги тушуночалари ва Газзолийнинг тасаввуфий билиши тўғрисидаги қарашлари очиб берилади, шунингдек, рационал билишда ақл-идрокнинг ўрни ва ҳозирги кунда бунинг аҳамияти ёритилади.

Калим сўзлар: ақл, рационализм, иррационализм, олам, руҳ, исмоилийлик, эманация, қалб, тасаввуф.

Аннотация: В статье анализируется философские взгляды Абу Хамида аль-Газзали и рациональное познание мира, а также взгляды о разуме в учениях исмаилитов-батинитов. В частности, раскрываются взгляды западных учёных, понимание о мире исмаилитскими философами и взгляды Газзали о суфийском знании, а также роль разума в рациональном познании и его важность в нынешнее время.

Ключевые слова: разум, рационализм, иррационализм, мир, душа, исмаилизм, эманация, сердце, суфизм.

Resume: The article analyzes the philosophical views of Abu Hamid al-Ghazzali and rational knowledge of the world, as well as views on reason in the teachings of the Ismaili-Batynites. In particular, the views of Western scientists, the understanding of the world by Ismaili philosophers and the views of Ghazzali about Sufi knowledge, as well as the role of reason in rational knowledge and its importance at the present time are revealed.

Keywords: reason, rationalism, irrationalism, peace, soul, Ismailism, emanation, heart, Sufism.

КИРИШ

Ислом дини кенг тарқалиб, катта ҳудудларда ёйилгандан сўнг, маҳаллий аҳоли диний ва фалсафий қарашларидаги баъзи бир унсурларни ҳам ўз ичига сингдира бошлади. Халқлар ва маданиятлар қорнишуви фалсафий тафаккурнинг ривожига ва гоявий-мафкуравий, диний-фалсафий ҳамда ахлоқий-маънавий мураккаб тенденцияларга, турли оқим ва мактабларнинг вужудга келиб, шаклланишига олиб келди.

X-XI асрда халифаликдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Салжукий ҳукмдорларнинг ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштириш учун ҳаракатлари оддий халқ ҳаётини янада кийин аҳволга солди. Шундай бир мураккаб даврда ахлоқий-гоявий норозиликнинг шакли сифатида турли диний мактаблар вужудга келди. Булардан бири исмоилий-ботинийлар ҳаракати ва иккинчиси тасаввуф таълимоти эди. Тасаввуфга хос бўлган зоҳидлик кейинчалик бир тизимга солиниб, унинг Аллоҳга олиб борувчи хос йўли ҳақидаги таълимот сифатида фалсафий асослари ишлаб чиқилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тасаввуф йўлидаги даъват барча дунё лаззатларидан воз кечиш, дунё несъматларидан тийилиш, яъни зуҳдга чақирик билан бошланган. Сўфий дунёдан узилиб, Илоҳга боғланиши лозим бўлган. Аллоҳга муҳаббат, у билан қўшилиб кетиш, экстатик ҳолатда Худо билан бирлашиш сўфийликнинг ифодасига айланган. Тасаввуфнинг ушбу даъвати шаҳар аҳолиси ўртасида, хусусан, чакана савдогарлар, ҳунармандлар, баъзи бир уламолар ва фақиҳлар орасида ўз тарафдорларига эга бўлди [1:180]. Айнан ўша даврларда тасаввуф йўналиши оммавий тус олиб, кўпгина тарикатлар вужудга келди ва қишлоқларга кириб борди. Бу динга нисбатан экстатик-экзальтацияни тарғиб қиладиган, оддий мусулмонлар онгига мос келадиган амалий тасаввуф эди. Сўфийлик кейинчалик оддий одамга тушунарли ва яқин бўлган, аммо ислом ақидаларига зид урф-одат ва анъаналарни ҳамда турли бидъат

элементларини қабул қила бошлади. Ҳатто мунажжимлик, башорат ва сеҳргарлик каби нарсалар ҳам Қуръон таълимотига зид бўлса-да, унинг ичига кириб келди. Бундай тасаввуф ўзининг чуқур назарий мазмун-моҳиятидан айрилар эди. Шунинг учун сўфийлар нафақат ортодоксал ислом, балки Калом илмининг рационалист олимлари томонидан тан олинмасди. Сўфийлар ва исмонийлар орасида ихтилофлар авж олганди.

Бироқ, XI асрдан вазият ўзгарди, энди тасаввуф ислом динининг бир қисмига айланиб, ҳатто ўзига хос касб тури ҳисобланарди. Дарвишлар ва баъзи тарикатлар давлат томонидан қўллаб-қувватланарди, улар учун хонахоҳлар қурилиб, ўзини таъминлаши учун вақф ерлари бериларди. Тасаввуфнинг элитар ҳаракатдан оммавий ҳаракатга айланишини Ж.С.Тримингем ўзининг “Исломда сўфийлик тарикатлари” асарида кенг ёритиб берган [2].

Тасаввуф таълимотининг нафақат диний, балки фалсафий асосларини ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшган мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий ҳисобланади. У онгнинг иррационал ҳолатига асосланиб, имон-этиқоднинг аҳамиятини очишга ҳаракат қилган. Фикҳ, калом, фалсафа илмларини пухта ўзлаштирган мутафаккир сунига асрлар давомида киритилган шубҳали унсурлар ва шарҳлар кўпайганига эътиборини қаратади. Бироқ, на Калом илмида, на исмонийликда ва на фалсафада ўзини қийнаган саволларга жавоб тополмайди. Бу Ғаззолийда рационал тизимлаштирилган диндаги баъзи масалаларга нисбатан шубҳани уйғотади, чунки дин аҳкомларини билиш, қонуналарга, ахлоқий меъёрларга амал қилиш зоҳиран намоеъи бўлиб, ботиний жиҳати эътибордан четда қолади деб таъкидлайди.

Илоҳий таълимотдан келиб чиқадиган инсонга хос ҳақиқий ахлоқ шахсий тажрибага муҳтождир. Инсон Худо билан мулоқот қилиш орқали шахсий кечинмаларига асосланиб ўзини ислоҳ қила олади дейди Ғаззолий. Шундай хос яқинликдагина инсон илоҳий неъматни англайди. Бунга эришиш учун зуҳд тажрибаси ва қалб илоҳий зикр қилмоғи лозим дейди мутафаккир. У ўзининг кайфияти ва қарашларига мос

қеладиган илми сўфийларнинг қарашларида топади. Аллоҳ ҳузурига эришишда солиққа ваҳий туширилган пайғамбар намуна сифатида ёрдам беради. Аммо нубувватга имон келтириш “фақат уни англагандан сўнг бўлиши мумкин” дейди Ғаззолий [3:251]. Бунинг учун эса ахли тасаввуф йўлига кириш лозим.

Аллоҳда фано бўлишни тарғиб қиладиган радикал сўфийлардан фаркли ўларок, Ғаззолий Худога йўқолиб кетишни инкор қилади ва Аллоҳга қурбат истагида бўлган инсон ўз “мен”ини йўқотмаслиги керак деб ҳисоблайди.

Индивидуал инсон Ғаззолийнинг илоҳий маърифат тўғрисидаги таълимотида марказий ўринни эгаллайди. Инсон ўз шахсий риёзати орқали диндаги нуқсонлардан фориг бўлади ва унинг илк ҳақиқий мазмун-моҳиятини тиклайди.

Ғаззолий билимини Қуръонда таъкидланган “фарз амаллар илми” деб таърифлаган [4:91]. Бунда у қуйидаги ҳадисни келтиради: “Оқил киши Аллоҳга ва унинг пайғамбарларига имон келтирган ва Унга итоат кўрсатган кишидир”. Тафаккур юритадиган балоғатга етган инсон, мутафаккир фикрига кўра, “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир” калимасининг маъносини англаши лозим. У буни мушоҳада, таълим ва далиллар келтириш орқали кашф этиши зарур эмас. Бунга ишониш, қатъий имон келтиришнинг ўзи кифоя қилади, бу эса “фақат эшитиш ва таклид қилиш орқали амалга ошиши мумкин” [4:89].

Буни тушуниш пайғамбар ва олимлар айтган нарсаларга ишониш, уларга таянишни англатади. Бундан ташқари имон келтирган киши диний урф-одатларни билиши ва уларни бажариши лозим, шу билан бирга таҳорат, ибодат қилиш ва рўза тутиш каби баъзи бир шарият қоидаларини билиши лозим. Бундан ташқари у зиммасидаги мажбуриятларни ва зиммасидаги талаблардан ортик нималарни қилиши мумкинлигини билиши керак. Шундай қилиб, Аллоҳнинг барча нарсани тасарруф ва идора этиши одамлар билан муносабатда илм ва уларнинг ўзига нисбатан амалларини баҳолаш сифатида ўртага чиқади.

Одамларнинг Худо билан муносабати ҳам шундай бўлиб, бу тўғри йўлни қабул этиш,

солихлик ва итоаткорлик йўлидир. Инсондан унинг мажбуриятлари доирасида талаб қилинган, ундан ортиқ бўлмаган нарсаларни тушуниш, Аллоҳни тан олиш ва Раббни билан муносабатдаги қондаларга амал қилишдир.

Абу Ҳомид Газзолий аввалида мутакаллим сифатида фаолиятини бошлаб, кейинчалик уларнинг карашларидан, яъни калом анъаналаридан бироз узоклашди. Газзолий хусусан, “ал-Мункиз мин аз-залол” асарида ҳам калом, ҳам фалсафа ғояларини танқид остига олади. Рус тадқиқотчиси Е.Фролова унинг карашларида асосий ўринни ислом мистицизми, суфизм эгаллайди деб таъкидлайди [5:89].

Газзолий “ал-Мункиз мин аз-залол” асарида ўзининг имонга эришишининг машаққатли йўли – ҳиссий маълумотлар, ақл-идрок ва шаклланган эътиқоднинг ишончлилигига шак қилиш йўли тўғрисида ҳикоя қилади. У “Қачон ақл унинг ишончли эканлигига баҳо беришга ожиз бўлса” бирор нарса ишончли илми бермайди, деб ҳисоблайди. Ҳақиқий илм бу “Аллоҳ қалбларга туширадиган нурдир” ва у қалбни емирадиган шубҳадан қутқариб, “иллат ва касалликдан халос бўлишга” олиб келади [4:213-217].

Газзолий даврида энг катта таъсир кучига эга бўлган диний-фалсафий оқимлардан бири исмоилий-ботинийлар мактаби ҳисобланади. Уларнинг суннийлардан фарқ қиладиган жиҳати имомлик концепциясидир, яъни уларнинг таълимотига кўра, мусулмонлар жамоаси имом орқали бошқарилиши лозим. Имом ботинийларда диний, маънавий ва дунёвий ҳокимиятнинг бош этакчиси ҳисобланади.

Исломий мактаб ва оқимларни талқин қилган олим Абулфатх Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний (1075-1153) шиаларни имомни мукаддаслаштиришда айблаб, шундай ёзади: “Бу ўз имомларига нисбатан ҳадларидан шунчалик ошардиларки, уларни (имомларни) табиий ҳол чегарасидан чиқариб, улар ҳақида илоҳийлик тушунчалари билан ҳукм қиладилар. Баъзан имомлардан бирортасини Худо билан таққослардилар, баъзан Худони одамлар билан солиштирадилар, бунда бир-бирига зид икки ҳолатга – (инсонни) юксалтириш ва (Худони) кичрайтиришга тушардилар” [7:153].

Али р.а.нинг авлодлари кўпайган сари шиалар орасида имомликнинг вориси қимлиги тўғрисидаги ихтилофлар кучая борди. Шиалар орасида еттинчи имом деб тан олинган ва Исмоил номи билан боғлиқ исмоилийлар кучайди. Исмоил бу вақтга бориб дунёдан ўтганига карамай, унинг тириклиги ва яшириниб юрганлиги тўғрисида афсона тарқалди. Бу нарса “яширин имом” ҳақидаги карашнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу имом одамларга кўринмай, фақат танланган даъватчиларга кўринади ва улар орқали таълимотини очади деган овозга тарқалди.

Яширин имом ҳақидаги концепция бора-бора исмоилийликнинг эзотерик таълимотга, уларнинг жамоаси эса иерархик тамойилдаги ёшиқ сектага айланишига сабаб бўлди. Ундаги ҳар бир босқич бошқасидан сир, яъни махфийлик тамойили воситасида ажратилганди. Юқорига кўтарилган сари аъзога яширин махфий илмнинг бир қисми, аниги сир очиларди. Кейинги босқич илмга эга бўлиш учун бунга эътиқод талаб қилинадиган барча вазифаларни кам-кўстсиз бажариш, бор кучни сарфлаш лозим эди. Исмоилийлар таълимотининг шу жиҳати муҳим аҳамият касб этарди, у аъзодан нафақат диний қондаларга амал қилишни, балки Аллоҳни таниш ва унга эришишга фаол интилишни талаб қиларди.

Имомнинг илмини ифодалайдиган аллегория мавжуд бўлиб, унда имом тубида маржонлар яширинган денгизга ўхшатилади. Ушбу маржонлар, яъни илм имомнинг ёрдамчилари ёрдамида етказилади. Маржон изловчилар машаққат ва қийинчиликлардан ўтишлари, ушбу маржонларни топиш учун риёзат чекишлари зарур. Исмоилийларнинг суннийлардан фарқли ўларок бу ғоясида билимни эгаллашга ҳаракат қилиш, интилиш лозимлиги асос сифатида ётади, бу ўз навбатида илм концепциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яширинган имом концепцияси билан эзотерия ва экзотерия, яъни ботиний ва фақат бунга дохил бўлган ҳамда аниқ ва кўпчилик учун очиқ илм каби тушунчалар боғлиқ. Шу туфайли исмоилийларни кўпинча ботинийлар, яъни яширин билим тарафдорлари деб атаганлар.

Исмоилийлар аввалида ислом итидаги яширин ташкилот бўлган, чунки Аббосийлар халифалиги даврида (749-1258) улар таъкибга учраган. Хусусан, уларнинг ижтимоий тенглик ва адолат ўрнатиш гояси билан чиққан қарматларнинг диний-сиёсий ҳаракати билан боғлиқлиги бор эди. 899 йилда Баҳрайнда ташкил топган мустақил давлат XI асргача яшаб, Аббосийлар халифалигини титратган. Шунинг учун қарматларнинг эзотерик доктринасини ривожлантирган исмоилийлар халифа ҳокимиятининг душманлари саналганлар. Шунга қарамай исмоилийларнинг диний ва фалсафий қарашлари олимлар ва файласуфлар орасида ўз тарафдорларига эга бўлган. Кўпгина мўътазиллийлар диний эътиқодига кўра исмоилийларга мансуб бўлганлар. Ўз навбатида мутакаллимларнинг таълимоти исмоилийларнинг фалсафий концепцияларини ишлаб чиқишда таъсир кўрсатган.

Кўпчилик ислом дини тадқиқотчилари қарматларнинг фалсафий-диний қарашларида “Ихвон ус-сафо” (Софлик биродарлари) мактаби фалсафий гояларининг таъсирини кўрадилар. “Софлик биродарлари” ўрта аср комусий олимлари бўлиб, уларнинг рисолаларида исмоилийлик таъсири кўзга ташланади. Улар ўз комусларида инсонни олий эзотерик билимга эришиши учун тайёрлашни баён қилганлар. Бу билим барча илоҳий динлар таълимотидан афзал бўлиб, у Аббосийлар давлатида акс этган “зулм давлати”нинг ўрнига келиши керак бўлган фаровон ва эзгу жамиятни тузишга йўналтирилган эди. Шаҳристоний шундай ёзади: “Шиапар орасида мўътазиллийлик ҳам мустаҳкамланди, улар мўътазиллийларнинг ақлга яқинлиги ва антропоморфизм ҳамда тажсим (Худога жисм нисбат қилиниши)дан узоқлигини кўргач унга кўшилдилар” [7:153].

Мўътазиллийлар каби исмоилийлар ҳам ақл-идрок ва рационал билишга катта эътибор қаратадилар ва худди улардек инкор этиш теологияси тарафдорлари бўлиб, улар Худони тавсифлашда антропоморфизмга қарши эдилар. Исмоилийликнинг йирик файласуфи Ҳамидиддин Абулҳасан ал-Кирмоний (996-1021) “Роҳат ул-ақл” (Ақл халовати) асарининг бир бобини “Тавҳид, мактов, тасбеҳ ва

тасдиқнинг энг тўғри ифодаси Аллоҳ таоло сифатларида мавжуд бўлган нарсаларни рад этиш ва уларни Унга мансуб этмасликдан ташкил топганлиги тўғрисида” деб номлаган [3:68]. Мўътазиллийлардан фарқли равишда исмоилийлар Худонинг борлик сифатини ҳам инкор қилганлар. Улар Худо ҳақида бирор нарса деб бўлмаслиги, у фақат бошланғич нуқта, ибтидолигини таъкидлаганлар. Шаҳристоний исмоилийлар ҳақида: “Яратувчи тўғрисида улар у мавжуд эмас, йўқ ҳам эмас, билмайдиган ҳам, билмайдиган ҳам эмас, қудратли ҳам, заиф ҳам эмас дердилар. Худди шундай барча илоҳий сифатларга нисбатан ҳам шундай эди” деб ёзади. Шубҳасиз, исмоилийлар наздидаги тавҳид Қуръондаги тавҳидга тесқари эди. Қуръонда Аллоҳ антропоморфик сифатлардан холи эмасди: Аллоҳ қудрат соҳиби, эшитувчи, буюк, билувчи, ҳикматли ва ҳ.к. Исмоилийлар нуқтан назарига кўра ушбу сифатларнинг барчаси, яъни билувчи, эшитувчи, буюк, раҳмдил ва шу кабилар моҳиятан инсонга хос сифатлардир. Бу сифатлар эса Яратувчига хос эмас.

Мўътазиллийлар “Худога бошланғич сифатларни бериш уни мутлақ ваҳдониятдан маҳрум қилади”, деган гояни илгари сурган ҳолда, улар Қуръонга таяниб, яъни “Аллоҳга ширк келтирмаслик” гоясидан келиб чиқиб, илоҳий сифатларни ҳам Худога шерикчилик нисбат бериш деб ҳисоблаганлар. Исмоилий файласуф Абу Ёҳуб Сижистоний (ваф. 917 й.) шундай ёзади: “Агар сифатларни азалий ва Яратувчи билан бирламчи деб ҳисобласак, ушбу сифатлар туридан бўлган барча нарсани азалий ва яратувчисиз йўқ деб ҳисоблаш зарур бўлади. Аллоҳнинг сифатлари азалий бўлгани учун, унинг иккиламчилигини тан олиш бирлигини инкор қилиш бўлади. Агар Худонинг сифатларини яратилган деб ҳисобласак, унда Яратувчи ва махлуқотлар бир нарса деган бўламан. Бинобарин, икки ҳолатда ҳам ё Аллоҳнинг ягоналиги ёлгон ёки ундан сифатларни олиб ташлашга тўғри келади. Шундай қилиб, Худонинг мавҳум бирлиги қилиши учун сифатларни олиб ташлаш зарур ҳисобланади”. Шунинг учун Яратувчига борлик деган тушулчани ҳам нисбат беришнинг имкони қолмайди.

Кирмоний Худонинг мавжудмаслиги мумкин эмас, чунки агар у ҳеч нарса бўлганида эди, барча мавжуд нарсалар ҳам ҳеч нима бўларди, мавжудлик бор экан, Худонинг йўқлиги ҳам мумкин эмасдир, деб ёлади. Шу билан Худо нимадир бўлиши ҳам имконсиз. У шундай фикр юритади: “Ахир нимадир шунинг учун ҳам бир нарсадир, ундан олдин уни нимадирга айлангирган нарса мавжуддир” [9:51]. Худо бирор нарсага эҳтиёж сезмайди ва унинг борлиги, вужуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Кирмоний фикрини давом эттириб, Худо субстанция бўлолмайди, чунки бу ҳолда унда субстанциядан ажралмас қисмлар, кўплик (касрат), бўлинишлар ҳосил бўларди, деган ҳулосага келади. Аммо Худо аъроз, яъни акциденция ҳам бўлолмайди, чунки акциденция субстанцияга (жавҳарга) таяниши лозим, бу эса Худога нисбатан асоссиздир. Бу Худонинг нимадир эмаслигини яна исботлайди. Худди шундай Худо шакл ва материя ҳам бўлолмайди. Шундай бўлсада, барча сифатлардан айрилган вужуд исмоилийлар метафизикасида Яратувчи дейилади. Бирок, ушбу Яратувчи ўзига ҳос: у ҳақда ҳеч ким билмайди ва ҳеч нима айтолмайди, ҳатто у мавжудми ёки йўқми номаълум. У бошлангич нуқта, барча нарсанинг боши, аммо ижодкорлик ибтидоси сифатида эмас, Яратувчи дейилса-да, исмоилийларга кўра ҳақиқий ижодкорлик ибтидоси Олам акли ва Олам рухи ҳисобланади. Айнан уларнинг ўзаро боғлиқлиги бутун олам тузилишини бошлаб беради.

Худо Олам аклини яратган ва у барча илоҳий сифатлар соҳибидир. У эса ўз навбатида Олам руҳини вужудга келтиради ва кейинчалик шу руҳ барча мавжудот мавжудлигини белгилаб беради. Олам руҳидан еттита гумбаз – сфера чиқади; улардан эса тўрт оддий унсур: намлик, куруклик, иссиқлик ва совуқлик пайдо бўлади, улардан эса тўртта унсур – сув, ер, олов ва ҳаво вужудга келади. Шундан сўнг ушбу унсурлардан бутун Ердаги нарсалар: минераллар, ўсимликлар, жонзотлар ва инсон пайдо бўлади. Исмоилийларнинг биринчи файласуфи Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг (942 йилда қатл қилинган) бизгача етиб келмаган “Китоб ал-маҳсул” асариде баён қилинган космогоник назарияси шундай бўлган [3:70].

Исмоилийларнинг карашлари неоплатонистларнинг карашларига ўхшаш бўлиб, ҳар бир назариётчи ва файласуфнинг ўз гоёси бор эди. Баъзан Олам акли ва Олам руҳидан кейин эманация босқичи сифатида бирламчи материя келарди. Бу пассив субстанция ўзида Олам аклини акс эттириб, сайёраларни, ерни ва ҳаётни яратади. Исмоилийлар рақамларга сирли, мистик маъно бағишлаганлар. Еттита эманацион босқич мавжуд бўлиб, улар – Худо, Олам акли, Олам руҳи, бирламчи материя, макон, замон ва қомил инсон. Ушбу эманацион босқичларга еттита пайгамбарлик даврлари мувофиқ келади. Ҳар бир пайгамбарлик даври етти ном билан белгиланади. Еттинчи ном ҳар бир даврнинг пайгамбари бўлади. Бунда исмоилийлар еттинчи номдан бошланишларини инобатта олиш лозим. Факат, Кирмонийда юқоридаги етти сондан фарқли равишда ўнта ақл тўтрисидаги фикр мавжуд.

Кирмонийнинг “Ақл ҳаловати” асариде келтирилган рамзийлик ва еттига бўлинишни эътиборга олмасак, айтиш мумкинки, файласуф “қомил бўлмаган инсон қамолотга эришиш учун босиб ўтиши керак бўлган йўлни очиклаб, кўрсатиб беради. Бу қомиллик мавжудлиқнинг биринчи ибтидоси – Биринчи Ақли фарқлашга ёрдам бериб, боқий роҳат ва ҳаловатда намоён бўлади” [9:11]. Инсоният тарихи буюк давр бўлиб, “солиҳлар руҳи ягона бирликка қўшилиб, метафизик оламда ўзига ҳос мавжудлиқни – тўлик Биринчи Ақлга ўхшаган нарсани ташкил қилади... Тарихий жараён шу зайдда муҳим қосмик аҳамият касб этиб, Универсумнинг барча онтологик тузилмаларининг бутунлигини таъминлашда асосий ролни ўйнайди” [9:15].

Агар исмоилийлик фалсафасига умумий тавсиф берсак, уни рационализм ва иррационализмни ўзида бирлаштира олган таълимот деб айтишимиз мумкин. Иррационалик бирламчи таълимотда, яъни Худо ва унинг махлуқи Олам акли ҳақидаги таълимотда кўринади. Исмоилийлар наҳдида Аллоҳ шундай тавсифланади: “Биз айтаемизки, Парвардигор ўзининг буюк жалолати сабабидан парда билан тўсилгандек яшириндир... У кўриш мумкин бўлган назардан яширинган қуёш каби уларнинг устида кўтарилгандир” [9:54-55].

Сўфийлар эса Аллоҳни охиригача англаб бўлмасада, бироқ инсон унга яқинлаша олади, Худо ҳақида нимадир айтиш қийин, лекин уни қалб билан ҳис қилса бўлади деб ҳисоблайдилар. Тасаввуф таълимотига кўра Аллоҳ оламда, ашёларда акс этади, у дунёга имманентдир. Аллоҳнинг жамоли ва буюклигини инсон бу дунё ва ундаги нарсалар орқали мушоҳада қилади. Шу билан бирга бу нарсалар Худонинг ҳақиқий образини хиралаштиради, асл моҳиятини тўсиб қўяди, Аллоҳ ўз яратикларининг кўпинги ортида яширинади. Исмоилийларда эса Худо оламгача, махлуқотларгача етиб бормаиди, у ҳеч нима билан бирлашмаган ва уни умуман кўриб ҳам, билиб ҳам ва англаб ҳам бўлмайди. “Ақл ва ҳис Уни билолмайди... Чунки Унинг ўзи Удир, сукунат мухрини оғизларга босади, тилларни кишанлайди.. Уни бирон нарса билан таърифлашнинг иложи йўқдир” [8:230]. Худони ақл ва ҳис билан англашнинг, тушунишнинг имкони йўқ. Аллоҳнинг Олам ақлини қандай қилиб ва нима учун вужудга келтириши, нима учун унда азалий ироданинг пайдо бўлишига ҳам исмоилийлар жавоб бермайдилар. Булар ҳам сир бўлиб, борлиқнинг ботиний маъноси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрлар исмоилийлар фалсафасининг ислом эътиқоди билан мос келмаслигини кўрсатади. Шунинг учун Ғаззолий исмоилийларга эътирози ва раддиялар ёзиши тасодиф эмасди. Файласуфнинг гоялари ҳозирда ҳам мусулмон жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаларини ислоҳ қилишга ҳаракат қилаётган замонавий мусулмон мутафаккирлари орасида ўз аксини топмоқда. Демак, асрлар оша ҳам Ғаззолийнинг тасаввуфий-ахлоқий қарашлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ғаззолий ўз асарлари билан тасаввуфни суннийлик доирасидаги қалом илми билан тенг ҳуқуқли таълимотга айлантира олган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Макдиси Дж. Суннитское возрождение // Мусульманский мир, 950-1150. М., 1981.
2. Тримингэм Дж.С. Суфийские Ордены в исламе. Пер с англ. А.А.Ставиной, под редакцией и с

- предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука. ГРВЛ, 1989. – 328 с.
3. аль-Газали. Избавляющий от заблуждения // С.Н.Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. Москва, 1960.
4. Абу Хамид аль-Газали. Воскрешение наук о вере (Ихйа улум ад-дин). Избранные главы / Пер. с араб., исслед. и коммент. В.В.Наумкина. – Москва, 1980.
5. Ал-Ғаззолий. Ал-Мункиз мин аз-залол. – Қохира: Нашр мавкӣф ал-фалсафа ал-исломия, 2002.
6. Фролова Е.А. Арабская философия: Прошлое и настоящее. – Москва: Языки славянских культур, 2010.
7. Мухаммад ибн Абд ал-Карим аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах (Китаб ал-милал ва-н-ниҳал). Часть 1. Ислам / Перевод с арабского, введение и комментарий С. М. Прозорова. Москва, 1984.
8. Хамид ад-Дин аль-Кирмани. Успокоение разума / Пер. с араб. А.В.Смирнова. “Ладомир”, – Москва, 1995.